

Сийрат 194-дарс. Ким бировга зулм қилса...



19:00 / 29.07.2022 3372

747. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Осия исмини ўзгартирдилар, «**Сен Жамиласан!**» дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Осия исми «осий-итоатсиз аёл» маъносини, Жамила исми «чиройли» маъносини билдиради.

* * *

748. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Албатта, мен олийжаноб ахлоқларни тугал қилиш учун юборилганман**», дедилар».

Бошқа ривоятда: «солиҳ ахлоқларни», дейилган.

Аҳмад, Бухорий «Адабул муфрад»да, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилишган.

* * *

749. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бировнинг шаънига ёки бирор нарсасига зулм қилган бўлса, уни бугун - динор ҳам, дирҳам ҳам бўлмай қолишидан олдин - рози қилиб олсин. Агар солиҳ амали бўлса, ундан қилган зулми миқдорида олинади; яхшиликлари бўлмаса, ҳақ эгасининг ёмонликларидан олиниб, бунга юклатилади, дедилар».**

Бухорий ривоят қилган.

* * *

750. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Касодга учраган (муфлис) кимлигини биласизларми?»** дедилар. «Бизнинг орамизда касодга учраган - дирҳами ҳам, мол-мулки ҳам йўқ одам», дейишди. **«Менинг умматимдан касодга учрагани Қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келгану, аммо уни сўккан, буни зинода айблаган, унинг молини еган, бунинг қонини тўккан, буни урган одамдир. Бунисига унинг савобларидан берилади, унисига ҳам унинг савобларидан берилади. Агар зиммасидаги нарса тамом бўлмай туриб унинг савоблари тугаб қолса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунинг устига юкланади. Сўнгра у дўзахга солинади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан